



Газета 1966 йил
1 июлдан
чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 107 (13.440)

Баҳоси эркин нарҳда

2017 йил 24 МАЙ, ЧОРШАНБА

ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ РОССИЯ ИЧКИ ИШЛАР ВАЗИРИНИ ҚАБУЛ ҚИЛДИ

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев
23 май куни мамлакатимизга амалий ташриф билан
келган Россия Федерацияси ички ишлар вазири
Владимир Колокольцевни қабул қилди.**

Давлатимиз раҳбари меҳмонни кутлар экан, икки мамлакат ҳуқуқни муҳофаза қилиш идораларининг терроризм ва экстремизм, уюшган жиноятчилик, наркотрафик ва қурол-яроғлар ноқонуний айланишига қарши курашиш соҳасидаги ўзаро фаол ҳамкорлигини давом эттириш фойда муҳим эканини таъкидлади.

Учрашувда Президентимизнинг шу йил 4-5 апрель кунлари Россия Федерациясига олий даражадаги ташрифи давомида қабул қилинган икки томонлама, шу жумладан, миграция соҳасига оид келишув ва битимларни амалга ошириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди.

Ҳуқуқни муҳофаза қилиш тузилмалари учун кадрлар тайёрлаш ва уларнинг малакасини оши-

риш борасида тизимли ва узоқ муддатли ҳамкорликни ривожлантириш устувор йўналишлардан бири сифатида қайд этилди.

Россия ички ишлар вазири Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёевга самимий қабул учун миннатдорлик билдирди ва Россия Федерацияси Президенти Владимир Путиннинг эзгу тилаklarини етказди.

В.Колокольцев мамлакатимиз ички ишлар органлари фаолиятини тубдан такомиллаштириш бўйича амалга оширилаётган ислохотларни юқори баҳолади ва икки мамлакат ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралари ўртасида кенг қўлмалли ҳамкорликка тайёр эканини таъкидлади.

ЎЗА

ҲАМКОРЛИК МАСАЛАЛАРИ МУҲОКАМА ҚИЛИНДИ

**Тошкентда Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазири Абдусалом
Азизов ва Россия Федерацияси ички ишлар вазири Владимир
Колокольцевнинг учрашуви бўлиб ўтди.**

Мазкур учрашув Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг жорий йил апрель ойидаги Россия Федерациясига давлат ташрифида эришилган келишувларни амалга ошириш ва вазирликлараро алоқаларни мустаҳкамлаш учун яхши имконият экани таъкидланди.

Россия делегациясига Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 10 апрелдаги "Ички ишлар органларининг фаолияти самарадорлигини тубдан ошириш, жамоат тартибини, фуқаролар ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ишончли ҳимоя қилишни таъминлашда уларнинг масъулиятини кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармонида белгиланган мақсад ва вазифалар ҳақида сўзлаб берилди. Мамлакатимиз Ички ишлар вазирлиги тузилмалари ислох этилаётгани, маҳаллаларда жамоат тартиби-

ни сақлаш, фуқаролар ҳавфсизлигини таъминлаш учун тизимнинг қуёи бўғинлари мустаҳкамланаётгани, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва жиноятчиликка қарши курашиш мақсадида ҳафтанинг пайшанба куни профилактика куни, деб эълон қилингани қайд этилди.

Россия Федерацияси ички ишлар вазири Владимир Колокольцев Ўзбекистонда тинчлик-осойишталик ва жамоат ҳавфсизлигини таъминлаш бўйича мукамал тизим яратилгани, манзилли профилактика ишлари жиноятчиликни камайтиришда муҳим ўрин тутаётгани, профилактика инспекторлари ва жамоатчилик ташкилотлари, хусусан, маҳалла ўртасидаги яқин ҳамкорлик ижобий самаралар бераётганини юқори баҳолади. Бу тажрибани ўрганиш, бошқа мамлакатларда ҳам татбиқ этиш фойдали бўлишини қайд этди.

Учрашувда халқаро терроризм, диний экстремизм, ноқонуний миграция, наркотрафикка қарши курашиш ва бошқа соҳалардаги алоқаларни янада мустаҳкамлаш масалалари муҳокама қилинди.

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги билан Россия Федерацияси Ички ишлар вазирлиги ўртасида 2017-2018 йилларга мўлжалланган ҳамкорликка оид ҳужжат имзоланди.

Россия делегацияси аъзолари ташрифининг дастлабки кунинда Самарқандда бўлиб, Биринчи Президентимиз Ислам Каримов хотирасига ҳурмат бажо келтирди. Пойтахтимизнинг Олмасор тумани ички ишлар бошқармаси ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг Тошкент шаҳридаги Халқ қабулхонаси фаолияти билан танишди.

ЎЗА

Буюк Британия ва Шимолий Ирландия Бирлашган Қироллиги Бош вазири Тереза Мэй Жаноби Олияларига

Ҳурматли Бош вазир Жаноби Олиялари!
Манчестер шаҳрида содир этилган терроризм хуружи оқибатида қўлга олинган ҳалок бўлганларнинг оила аъзолари ва яқинларига чўқур таъзиямни ва улар билан ҳамдард эканимни етказишнинг энг сўрайман, жабрланганлар тезроқ соғайиб кетишини тилайман.

Қайғу билан,

**Шавкат МИРЗИЁЕВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти**

Владимир КОЛОКОЛЬЦЕВ:

ЎЗБЕКИСТОН ИЧКИ ИШЛАР ТИЗИМИДА АМАЛГА ОШИРИЛАЁТГАН ИСЛОХОТЛАРДАН ҲАЙРАТДАМИЗ

**Ўзбекистон Республикаси билан Россия
Федерацияси ўртасидаги ҳамкорлик кенг
қўлаб касб этган. Мамлакатларимизнинг
ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралари
ўртасида ҳам яқин алоқалар йўлга қўйилган.**

Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг жорий йил апрель ойида Россия Федерациясига давлат ташрифи барча даражадаги ҳамкорликни янги bosқичга кўтарди. Ички ишлар вазирликлари ўртасидаги алоқалар ҳам янада мустаҳкамланмоқда.

Россия Федерацияси ички ишлар вазири Владимир Колокольцев мамлакатимизга ташрифи доирасида ўтказилган учрашувлар ҳақида ЎЗА муҳбирига қуйидагиларни сўзлаб берди:

– Ўзбекистон Республикаси Президенти билан учрашув жуда мазмунли бўлди. Шавкат Мирзиёевнинг ҳуқуқ-тартибот тизими ва соҳа ходимлари фаолиятини чўқур билиши мени ҳайратга солди.

Ўзбекистонда жамоат тартибини сақлаш, тинчлик-осойишталикни мустаҳкамлашга қаратилаётган эътибор, соҳа ходимларига яратилган шароитлар билан танишдик. Тизимда амалга оширилаётган ислохотлар бизда катта таассурот қолдирди. Россия ҳуқуқ-тартибот органлари фаолиятига татбиқ этиш мумкин бўлган жиҳатларни белгилаб олди.

Учрашувда ички ишлар органлари фаолиятининг асосий мезони жамоатчилик фикри бўлиши зарурлиги таъкидланди. Бу жуда тўғри фикр. Тизим ходимлари фақат ҳисобот ёки статистика маълумотларига асосланиб хотиржамликка берилиши мумкин эмас. Уларнинг иши натижасини одамлар сезмагунча ҳуқуқ-тартибот органлари фаолиятини самарали деб бўлмайд.

Бугун имзоланган Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги билан Россия Федерацияси Ички ишлар вазирлиги ўртасида 2017-2018 йилларга мўлжалланган ҳамкорликка оид ҳужжатни амалий мазмун билан тўлдириб борамиз.

А.САМАДОВ

БМТ ХАЛҚАРО ҲАМЖАМИЯТНИ ЎЗБЕКИСТОНДА ДАВЛАТ ДАСТУРИНИНГ АМАЛГА ОШИРИЛИШИ БИЛАН ТАНИШТИРДИ

**Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Нью-Йоркдаги Бош қароргоҳида Ўзбекистонда Ҳаракатлар стратегиясини
Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йилида амалга оширишга оид Давлат дастури бажарилишининг
бориши ҳақидаги маълумот Бош Ассамблея 71-сессиясининг расмий ҳужжати сифатида тарқатилди.**

Ҳужжатда олиб борилаётган ислохотлар самарасини янада ошириш, давлат ва жамиятнинг ҳар томонлама ҳамда жадал ривожланиши учун шарт-шароитлар яратиш, мамлакатни модернизация қилиш, ҳаётнинг барча соҳасини либераллаштириш бўйича устувор йўналишларини рўйбга чиқариш мақсадида жорий йилда Ўзбекистонда 2017-2021 йилларда республикани ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси қабул қилингани айтилди.

"Ҳаракатлар стратегияси беш bosқичда, мамлакатда

йилларга бериладиган номлардан келиб чиқиб, ҳар бир йил бўйича давлат дастурлари қабул қилинишини назарда тутган ҳолда амалга оширилади, — дейилади Бош Ассамблея 71-сессиясининг расмий ҳужжатида. — Унда давлат бошқарувини такомиллаштириш, энг аввало, давлат хизмати тизимини ислох қилиш, иқтисодиётда давлат иштирокини камайтириш, давлат ва ҳусусий тармок ўртасидаги ўзаро манфаатли ҳамкорликнинг замонавий шакллари ҳақида "Электрон ҳукумат" тизимини ривожлантириш масалалари белгиланган".

Бундан ташқари, тарқатилган маълумотда халқ билан самарали мулоқотни таъминлаш Давлат дастурининг энг муҳим ва долзарб вазифаларидан бири бўлгани ҳамда шу муносабат билан унда жамоатчилик назоратини такомиллаштириш, нодавлат жамиятликка ташкилотлари, оммавий ахборот воситалари фаолиятини янада ривожлантириш, шунингдек, жамият ҳаётида маҳалланинг ўрнини кучайтириш масалаларининг қайд этилгани таъкидланади.

(Давоми 2-бетда)

*Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ҚАРОРИ*

ИЧКИ ИШЛАР ОРГАНЛАРИ ЁНГИН ХАВФСИЗЛИГИ БЎЛИНМАЛАРИ ФАОЛИЯТИНИ ТУБДАН ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЧОРА- ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Мустақиллик йилларида мамлакатимизда изчил амалга оширилган комплекс чора-тадбирлар натижасида аҳоли ҳаёти ва соғлиғи, давлат мулки, жисмоний ва юридик шахслар мулкнинг ишончли ҳимоясини таъминлайдиган яхлит ёнгин хавфсизлиги тизими шакллантирилди.

Лекин ёнгин хавфсизлиги соҳасида қабул қилинган қонун ҳужжатларига қарамай, бугунги кунда мамлакатимизда аҳоли, тадбиркорлар, давлат органларининг ёнгин хавфсизлиги тизимини таъминлаш соҳасидаги назорат фаолиятининг шакли ва усуллари замон талабларига жавоб бермайд.

Ҳусусан, қуйидагилар бу борадаги тизимли камчиликлар сирасига киради: ёнгин хавфсизлиги инспекторларининг ўз функционал мажбуриятларини лозим даражада бажармаётгани, малакасиз хатти-ҳаракатларга йўл қўётган ҳолатлари кузатилмоқда, ушбу лавозимларга тегишли олий маълумоти йўқ ходимларни қабул қилиш тизими пайдо бўлгани, инспекторлар аҳоли, давлат ва ҳўжалик бошқаруви органлари билан тўлақонли ҳамкорлик қилмаётгани бунга сабаб бўлмоқда;

тизимга, шу жумладан, шовиш-чинчи хизматлар билан ҳамкорлик қилиш ва ёнгин ўчириш бўлинмаларининг кучлари ва воситаларини бошқариш соҳасига замонавий ахборот-коммуникация технологияларини кенг жорий қилиш ишлари талаб даражасида йўлга қўйилмаган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 10 апрелда қабул қилинган "Ички ишлар органларининг фаолияти самарадорлигини тубдан ошириш, жамоат тартибини, фуқаролар ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ишончли ҳимоя қилишни таъминлашда уларнинг масъулиятини кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармонида мувофиқ ҳамда барча даражадаги бўғинларнинг ёнгин хавфсизлигини таъминлаш фаолиятини такомиллаштириш мақсадида:

1. Ёнгин хавфсизлигини таъминлаш самарадорлигини оширишда қуйидаги асосий йўналишлар ижросини таъминлаш Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги ва унинг ҳудудий бўлинмаларининг энг муҳим вазифаси деб ҳисоблансин:

биринчидан, ёнгинлар профилактикасининг илғор шакли ва

усулларини жорий этиш ва улардан самарали фойдаланиш орқали ёнгин хавфсизлиги хизмати тизимини такомиллаштириш, ҳар бир инспектор ўз хизмат мажбуриятларини "Ёнгин хавфсизлигини таъминлаш – энг устувор вазифа" тамойили асосида сўзсиз бажаришини таъминлаш;

иккинчидан, Давлат ёнгин хавфсизлиги хизмати (кейинги ўринларда – ДЭХХ) бўлинмаларининг ёнгин назорати ва ёнгин профилактикасини амалга ошириш бўйича фаолиятини ташкил этишнинг ёнгин хавфсизлиги инспекторларининг асосий вазифа ва функцияларини аниқ белгилаш ва тақсимлашни назарда тутадиган сифат жиҳатдан янги тартибни ўрнатиш;

учинчидан, аҳоли билан яқиндан ишлаш, давлат органлари, тадбиркорлик субъектлари ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари билан ҳамкорлик қилиш орқали ёнгин хавфсизлигини таъминлаш тизимига ишончини ошириш;

тўртинчидан, ёнгин ўчириш кучлари ва воситаларини бошқариш, шунингдек, ёнгинга қарши назорат фаолияти соҳасига замонавий илмий-техника ютуқлари ва ахборот-коммуникация технологияларини кенг жорий қилиш;

бешинчидан, ёнгин хавфсизлиги бўлинмаларининг кадрлар салоҳиятини яхшилаш, ходимларнинг касб тайёрларлиги ва малакасини ошириш тизимини такомиллаштириш, соҳада халқаро ҳамкорликни кенгайтириш;

олтинчидан, ДЭХХ шахсий таркибида юксак хизмат интизомини таъминлаш, уни моддий рағбатлантириш ва ижтимоий-ҳуқуқий муҳофаза қилиш орқали самарали хизмат қилиш учун шароитлар яратиш.

2. Қайд этилсинки, Ўзбекистон Республикасининг "Ёнгин хавфсизлиги тўғрисида"ги Қонунига мувофиқ давлат ва ҳўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ва бошқа ташкилотлар раҳбарлари зиммасига уларга қарашли объект ва ҳудудларда ёнгин хавфсизлиги талабларига риоя этилиши учун шахсий жавобгарлик юклатилган.

Юқорида кўрсатилган мансабдор шахслар ҳар чорада ёнгин хавфсизлигини таъминлаш масалалари бўйича йиғилишлар ўтказиши, улар доирасида ўзига қарашли объект ва ҳудудларнинг ёнгинга қарши ҳолатини танқидий таҳлил қилиб бориши шартлиги белгилаб қўйилсин.

(Давоми 2-бетда)




• Гулистонда Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг 2017 йил 21 апрелдаги "Ўзбекистон Республикаси фуқаролигига қабул қилиш тўғрисида"ги Фармонида мувофиқ Ўзбекистон Республикаси фуқаролигига қабул қилинган бир гуруҳ шахсларга фуқаролик паспорти тантанали равишда топширилди.

• Самарқанддаги Ўзбекистон маданияти тарихи давлат музейида "Миллий истиқлол мафкурасининг шаклланишида музейларнинг

ўрни ва аҳамияти" мавзусида илмий-амалий анжуман ўтказилди. Вилоят маданият бошқармаси ҳамда Самарқанд давлат бирлашган тарихий-меморий ва бадий музей кўрик-хонаси ҳамкорлигида ташкил этилган тадбирда вилоятдаги олий ўқув юрталари профессор-ўқитувчилари, тарихчи ва археолог олимлар, музейлар ходимлари иштирок этди.

• Андижонда вилоятдаги йирик саноат корхоналари, кичик бизнес ва ҳусусий тадбиркорлик субъектлари иштирокида ҳудудий саноат ярмаркаси ва кооперация биржаси ўтказилди. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йилда халқаро саноат ярмаркаси ва кооперация биржасини ташкил этиш ва ўтказиш чора-тадбирлари тўғрисидаги қарори ижроси доирасида ташкил этилган тадбирда Андижон вилоятида фаолият юритаётган 350 дан ортиқ йирик ва кичик ишлаб чиқариш корхонаси, ҳусусий тадбиркорлар ўз маҳсулотлари билан катнашди.

• Навойда "Энг яхши ёш ишчи касб эгаси" танловининг вилоят bosқичи бўлиб ўтди. Танловда 10 номинация бўйича 16 ёшдан 25 ёшгача бўлган ишчи-мутахассислар ва касб-хунаро коллежлари битирувчилари иштирок этди. Фолиблар танловнинг мамлакат bosқичида иштирок этади.



• Япония полицияси 54 миллион доллар қийматидаги олтин қуймаларни фарибгарлик йўли билан қўлга киритишга алоқадорликда гумон билан ўндан ортиқ кишини қўлга олди. Гап шундаки, олибсатарлар гуруҳи жомадонларда юз килограммдан ортиқ тиллани қим-

матбаҳо металллар савдоси билан шуғулланувчи компанияга олиб кетаётганида уларни полиция қиймидаги ходимлар тўхтади ва контрабандага қарши кураш баҳонасида юкни тортиб олиб машинада яширинишди. Ҳозирда фарибгарларга нисбатан тергов ҳаракатлари олиб борилмоқда.

• АКШ, Чили, Япония ва Франция олимлари улкан қора туйнукни аниқлашди. СХО J101527.2+625911 деб номланган мазкур жисм Кўёшдан 160 миллион марта огирроқ ва Ердан 3.9 миллиард ёруғлик йили масофасида жойлашган. Жисм галактиканинг эллиптик марказида эмас, аксинча ундан узоқлашиб бораётган ҳолатда жойлашгани билан бошқа қора туйнуклардан фаркланади. Ушбу қора туйнук Chandra деб номланган рентгенли фазовий телескоп ёрдамида Ердан туриб тадқиқ қилинган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ҚАРОРИИЧКИ ИШЛАР ОРГАНЛАРИ ЁНГҲИН ХАВФСИЗЛИГИ
БЎЛИНМАЛАРИ ФАОЛИЯТИНИ ТУБДАН
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

(Давоми. Боши 1-бетда)

3. Белгилансинки:
ДЭХХ Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги тизимида ягона давлат ёнгин назорати органи ҳисобланади;
ДЭХХнинг давлат ёнгин назоратини амалга оширувчи мансабдор шахслари ёнгин хавфсизлиги талабларига риоя этилишини назорат қилиш бўйича тадбирларни ўтказишда ўз мажбуриятларини бажармаганлиги ёки лозим даражада бажармаганлиги учун шахсан жавобгардир.

4. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг қуйидаги тақлифлари маъқуллансин:
туман (шаҳар) ва объектлар ёнгин хавфсизлиги бўлимлари (бўлинмалари)да давлат ёнгин назоратини ва ёнгинлар профилактикасини амалга ошириш бўйича мустақил бўлимлар (гурӯҳлар) ташкил этиш ва ёнгин хавфсизлиги инспекторлари лавозимларини ёнгин ўчириш бўлимлари тарихидан чиқариш тўғрисида;

ёнгин хавфсизлиги инспекторларининг жавобгарлигини ошириш мақсадида уларнинг ҳар бирига хизмат ҳудуди доирасида муайян секторни бириктириш тўғрисида;
ДЭХХ ёнгин техникаси парки ва махсус жиҳозларини узлуқсиз янгилаш мақсадида ҳар йили 38 та асосий ёнгинчи ўчириш автомобили, стреласининг узунлиги 35 метргача бўлган 6 та ёнгин автотарвони, 1000 та ёнгинчи ўчириш ёнглари комплекти, нафас олиш аъзоларини ҳимоя қиладиган 300 та аппарат ва бошқа ёнгин-техника мулкни харид қилиш тўғрисида;

ДЭХХ техника хизматининг ҳудудий бўлимларига жисмоний ва юридик шахсларнинг махсус техникаси ва жиҳозларига техник хизмат кўрсатиш, таъмирлаш ва диагностика хизматлари кўрсатиш ҳуқуқини бериш тўғрисида.

5. Қуйидагилар:
ўта муҳим давлат аҳамиятига молик ёки ёнгин ва портлаш хавфи юқори бўлган объектлардаги ёнгин хавфсизлиги бошқармалари (бўлими, бўлинмалари) намунавий тузилмалари 8, 9, 10-иловаларга мувофиқ тасдиқлансин.

Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазирлиги:
Молия вазирлиги билан келишилган ҳолда шартнома асосида хизмат кўрсатишдан тушган маблағлар ҳисобидан ички ишлар органлари ёнгин хавфсизлиги бўлимлари ходимларининг қўшимча штаб бирикларини киритиш;

ДЭХХнинг шартнома асосида хизмат кўрсатишдан тушган маблағлар ҳисобидан таъминланадиган бўлимларининг тузилмаси ва штаб бирикларига ўзгариштирилган киритиш ҳуқуқи берилсин.

6. Ҳафтанинг ҳар чоршанба кунини "Ёнгинлар профилактика кунини" деб белгилансин ва ДЭХХга қуйидаги вазифалар юклансин:

аҳоли, тақсилотлар ва таълим муассасалари ўртасида ёнгин хавфсизлиги чора-тадбирларига риоя этиш тўғрисида кенг тушунириш ишлари олиб бериш, ёнгинларнинг олдини олиш ва муҳофафизатли бартараф этиш тадбирларини ҳамма-чиликни кенг жалб қилиш;

маҳалла фаоллари билан биргаликда ўйма-ўй юриб, тушунириш ишларини амалга ошириш, уларнинг яқинида ёнгинга қарши ҳолат бўйича аниқланган қамчиликларни фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларида муҳофама қилиш;

барча даражадаги ҳокимлар билан биргаликда содир бўлган йирик ва ўзига хос хусусиятли ёнгинларнинг сабабларини, ёнгин вужудга келишига олиб келган шарт-шароитларини ҳамда тегишли ҳудудлардаги объектларнинг ёнгинга қарши ҳолатини чуқур ва танқидий таҳлил қилишни ташкил этиш, унинг яқинида ёнгиннинг олдини олиш ва уни бартараф этиш учун шароитлар яратишга қаратилган "Йул хариталари"ни ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш;

ўта муҳим давлат аҳамиятига молик ёки ёнгин ва портлаш хавфи юқори бўлган объектларда ёнгин хавфсизлигини мустақамлаш, уларнинг раҳбарлари билан ёнгин-тактик ўқув ва машғулотлар, тушунириш ишларини ташкил этиш бўйича чора-тадбирлар комплексини амалга ошириш;

оммавий ахборот воситалари, шу жумладан, интернет тармоғида ёнгинлар, уларнинг сабаблари ҳамда ёнгинларнинг олдини олиш ва ёнгин содир бўлганда қандай ҳаракат қилиш тўғрисидаги маълумотларни ёритиш;

Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси билан келишилган ҳолда муайян марказий ва вилоят телеканалларида ёнгин билан боғлиқ воқеаларни, уларнинг вужудга келиш сабаблари ва шарт-шароитларини ёритишга бағишланган махсус ахборот кўрсатуви, шунингдек, воқеаларни ёритиш гуруҳлари томонидан тайёрланган ёнгин содир бўлган жойлардан уларни бартараф этиш бўйича тезкор репортажларни эфирга узатиш.

7. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри, шаҳарлар ва туманлар ҳокимликлари ҳузурида ёнгин хавфсизлиги бўйича комиссиялар ташкил этилсин ва қуйидагилар уларнинг асосий вазифалари этиб белгилансин:

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ички ишлар органларининг ёнгин хавфсизлиги бўлимлари фаолиятини тубдан тақомиллаштириш тўғрисидаги қарорини имзолади.

Ушбу ҳужжатга мувофиқ ёнгин хавфсизлигини барча даражада таъминлашга доир фаолиятни тақомиллаштириш мақсадида:

давлат ва ҳўжалик бошқаруви органлари, шунингдек, жойлардаги давлат ҳокимияти органлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ва бошқа тақсилотлар раҳбарлари зиммасига уларга қарашли объектлар ва ҳудудларда ёнгин хавфсизлиги талабларига риоя этиш бўйича шахсий жавобгарлик юклатилди;

ёнгин хавфсизлигини таъминлаш, ёнгин келиб чиқиши сабаблари ва шароитларини аниқлаш, уларни бартараф этишга қаратилган чора-тадбирлар комплексини амалга ошириш; тасдиқланадиган режа-ҳадваларга мувофиқ тизимли асосда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари раислари иштирокида маҳаллалар ҳудудида ёнгинга қарши машқлар ўтказиш, бунда ёнгинчи ўчириш автомобиллари ўтиш йўллари ва сув манбалари ҳолатини ўрганиш;

давлат органлари, тадбиркорлик субъектлари ва фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг ёнгинлар профилактикаси соҳасидаги фаолиятини мувофиқлаштириш;

соҳада амалга оширилаётган чора-тадбирларни баҳолаш ва мониторинг қилиш, уларнинг самарадорлигини ошириш бўйича тақлифлар ишлаб чиқиш;

кишлоқ жойлар ва олис аҳоли пунктларида кўнгилли ёнгин ўчириш бўлимларини ташкил этишга кўмаклашиш, уларни моддий ва ижтимоий рағбатлантириш.

Белгилаб қўйилсинки:

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши раиси, вилоятлар, Тошкент шаҳар, шаҳар ва туманлар ҳокимларининг ўринбосарлари тегишлича ёнгин хавфсизлиги бўйича комиссиялар раислари ҳисобланади;

комиссия таркибига ҳудудий ёнгин хавфсизлиги бошқармалари (бўлими, бўлинмалари), давлат ва ҳўжалик бошқаруви органлари, жамоат тақсилотлари ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари раҳбарлари кирди;

комиссия мажлислари ҳар чоракда камидан бир марта, шунингдек, ёнгин хавфсизлиги соҳасидаги вазиятдан келиб чиқиб ўтказилади;

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари ҳузуридаги ёнгин хавфсизлиги бош бошқармаси ахборот-таҳлил ва бошқа материаллар тайёрлаш, умумлаштириш ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига киритиш учун масъл ишчи орган ҳисобланади.

8. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига (А.Арипов): бир ой муддатда Давлат ёнгин хавфсизлиги хизмати, Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Ёнгин хавфсизлиги бош бошқармаси, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари ҳузуридаги ёнгин хавфсизлиги бўйича комиссиялар тўғрисидаги низоомларни тасдиқлаш;

икки ой муддатда ДЭХХни махсус ёнгин-техника ва тадқиқот ускуналари, алоқа воситалари ва хизмат кийими билан босқичма-босқич таъминлаш, ёнгин хавфсизлиги бўлимлари бино ва иншоотларни қуриш, реконструкция қилиш, капитал таъмирлашнинг назарда тутидиган комплекс дастурларни тасдиқлаш;

икки ой муддатда қорхоналар, шу жумладан, бозор ва йирик савдо мажмуаларининг ёнгинга қарши ҳолати учун масъл штабда турувчи ва штабдан ташқари мансабдор шахсларининг фаолиятини ташкил этиш ва моддий рағбатлантириш, шунингдек, ушбу объектларнинг ёнгиндан ҳимоя тизимлари ва воситаларини белгиланган талабларга мувофиқ ҳолатда келтириш тизимини танқидий қайта қўриб чиқсин ва самарали механизмни яратсин;

уч ой муддатда ёнгин хавфсизлиги инспекторлари, шунингдек, юксак касб маҳорати намоийиш этаяётган, ёнгинларнинг олдини олишга ва ўчиришга салмоқли ҳисса қўлаётган ёнгин ўчириш бўлимларининг оддий ходимлари таркиби ва хизматларини моддий рағбатлантириш тартиби тўғрисидаги низоомни тасдиқлаш;

уч ой муддатда кўнгилли ёнгиндан сақлаш хизмати бўлимлари ва ёш ёнгин ўчирувчилар дўруиналарини ташкил этиш ва фаолиятини таъминлаш масалаларини кўзда тутувчи меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар ижросини таъминлаш;

2017 йилнинг 1 сентябрга қадар Ёнгин ўчириш қуч ва воситаларини бошқариш ва мувофиқлаштириш марказлари, Ахборот-коммуникация технологиялари ва алоқа марказлари фаолиятини самарали ташкил этишга қаратилган чора-тадбирлар комплексини тасдиқлаш.

9. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига (А.Раматов): икки ой муддатда 11-иловада келтирилган рўйхат бўйича ёнгин-техника маҳсулотларини ишлаб чиқаришга иктисослашган давлат унитар қорхонасини ташкил этиш масаласи қўриб чиқилсин ва тегишли тақлифлар киритилсин;

Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси (Б.Зокоров) билан биргаликда бино, иншоот ва бошқа объектларни лойиҳалаштириш ва қуришда замонавий ёнгинга қарши ҳимоя техник воситалари қўланиши таъминлансин.

10. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига (У.Розуқуллов) икки ой муддатда ёнгин хавфсизлиги бўлимларининг автомобиллар ва бошқа махсус техника билан манзилли таъминлаш, шунингдек, йирик ишлаб чиқариш қорхоналари ва савдо мажмуалари (бозорлар) томонидан мамлакатимизда ишлаб чиқаришга қарши ҳимоя таъминлаш, шунингдек, ёнгин хавфсизлигини мустақамлаш, шунингдек, ёнгин-тактик ўқув машғулотлар ва ушбу объектлар раҳбарлари ўртасида тушунириш ишларини ташкил этишга доир комплекс тадбирлар ўтказиш;

марказий ва вилоят телеканалларида ёнгинлар билан боғлиқ ҳодисаларни ёритиш бўйича махсус ахборот кўрсатувларини, шунингдек, ёнгин содир бўлган жойлардан ва уларни бартараф этиш бўйича қўйлаётган чора-тадбирлар ҳақида тезкор репортажлар тайёрлаб эфирга узатиш.

Мазкур қарорга биноан Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар, Тошкент шаҳри, шаҳар ва туманлар ҳокимликлари ҳузурида ёнгин хавфсизлиги бўйича комиссиялар ташкил этилишини амалга ошириш, уларнинг яқинида ёнгинга қарши ҳолат бўйича аниқланган қамчиликларни фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларида муҳофама қилиш;

барча даражадаги ҳокимлар билан биргаликда юз берган катта ёнгинлар сабаблари ва уларнинг пайдо бўлишига олиб келган шарт-шароитларни чуқур ва танқидий таҳлил қилиш ва ушбу таҳлил ахбороти бўйича ёнгинларнинг олдини олишга қаратилган "Йул хариталари" тасдиқланади;

Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Ахборот ва коммуникация технологиялари масалалари қўмитаси ва Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги ҳамкорлигида ташкил этилган тадбирда давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари матбуот хизматлари вакиллари, оммавий ахборот воситалари раҳбарлари, профессор-ўқитувчилар, журналистлар, талабалар ва "Ёш журналистлар клуби" аъзолари иштирок этиди.

Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси раиси С.Ҳакимов, парламент қўйи палатасининг Ахборот ва коммуникация технологиялари масалалари қўмитаси аъзоси Р.Қушербоев ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиклигини таъминлаш, бунда оммавий ахборот воситалари фаолиятини ошириш муҳим аҳамият касб этишини таъкидлади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарорига асосан, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиклигини таъминлаш, бунда оммавий ахборот воситалари фаолиятини ошириш муҳим аҳамият касб этишини таъкидлади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарорига асосан, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиклигини таъминлаш, бунда оммавий ахборот воситалари фаолиятини ошириш муҳим аҳамият касб этишини таъкидлади.

қарилган ёнгин автотехникаси ва жиҳозлари харид қилинишини кўзда тутувчи Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қарори лойиҳасини тасдиқлаш учун киритсин.

11. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги (А.Азизов): а) "Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси (Х.Мирзохидов) ва "Ўзбекистон" миллий агентлиги (О.Мусаев) билан биргаликда ҳар чоракда марказий ва ҳудудий телеканалларда: мавзуга доир кўрсатувлар, ёнгин хавфсизлиги талабларига риоя этилишини таъминламаётган қорхоналар ва уларнинг раҳбарлари танқид қилинган репортажлар, ҳудудий ёнгин хавфсизлиги бўйича комиссиялар раислари, ёнгин хавфсизлиги органлари вакиллари, соҳадаги қонун ҳужжатлари бузилишига йўл қўйган мансабдор шахсларнинг бевосита иштирокида долзарб масалалар муҳофазасига бағишланган тематик кўрсатувлар, жумладан, "ток-шоу"лар;

аҳолининг ёнгин содир бўлганда қандай ҳаракат қилиши ҳамда ёнгинларнинг олдини олиш масалалари тўғрисида маълумот беришчи видеоларлар ва ҳужжатли фильмлар узатилишини таъминлаш;

б) Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги (М.Ҳазратқуллов) билан биргаликда босма оммавий ахборот воситаларида ёнгин хавфсизлиги соҳасида амалга оширилаётган чора-тадбирлар, ўтказилган текширувлар натижалари, аниқланган ёнгин хавфсизлиги талаблари бузилиши ҳолатларини ёнгинга йўл қўйган шахсларни қўрсатган ҳолда ёритилишини ташкил этсин.

12. Белгилаб қўйилсинки:
ДЭХХ бошқаруви органлари ва бўлимларини молиявий ва моддий-техник таъминлаш Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетига маблағлари ва қонун ҳужжатлари билан таққиланмаган бошқа манбалар ҳисобидан амалга оширилади, таққилотлар билан тузилган шартномалар асосида ташкил этиладиган бўлимлар бундан мустасно;

таққилотлар билан тузилган шартномалар асосида ташкил этилган ДЭХХ бўлимлари шу таққилотларнинг маблағлари ҳисобидан таъминланади;

ДЭХХ бўлимлари фаолиятини молиялаштириш қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ДЭХХ харажатлар сметасига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан амалга оширилади, шартномалар асосида ташкил этилган бўлимлар бундан мустасно.

13. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги (А.Азизов): икки ҳафта муддатда ДЭХХ бўлимларининг штаб ҳадвали, 2017-2025 йилларда офицерлар таркиби лавозимларини тўлдирish режа-ҳадваларини тасдиқлаш;

икки ой муддатда ёнгин хавфсизлиги инспекторларига малака талаблари ва уларнинг касб лаёқатини баҳолашнинг рейтинг тизимини ишлаб чиқсин ва тасдиқлаш;

икки ой муддатда "Ёнгиндаги жасорат учун" ва "Ёнгиндан сақлаш хизмати аълочили" идоравий кўркак нишонларини ишлаб чиқсин ва тасдиқлаш;

икки ой муддатда қонун ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгариш ва қўшимчалар бўйича таққиллар киритсин.

14. Молия вазирлиги (Б.Ҳўжаев) Ички ишлар вазирлиги (А.Азизов) билан биргаликда 2018 йилга мўлжалланган Давлат бюджетига параметрларини ишлаб чиқишда Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг йилга харажатлар сметасига тегишли ўзгаришлар киритган ҳолда ДЭХХнинг 2018 йилги харажатлар сметасини тасдиқлаш ва рўйхатга олишни назарда тутиш.

15. Ички ишлар вазирлиги (А.Азизов) Меҳнат вазирлиги (А.Абдуҳакимов) ва Молия вазирлиги (Б.Ҳўжаев) билан биргаликда икки ой муддатда хориж таққилбасини ўрганиш асосида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига ДЭХХ касбийлаштирилган қўсимлари хизматчилари алоҳида лавозимларини умум-белгиланган пенсия ёшини камайитириш тўғрисида асосланган таққиллар киритсин.

16. Ўзбекистон Республикасида ишлаб чиқарилмаётган ва ушбу қарор ижросини таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланадиган рўйхатлар бўйича четдан олиб келинадиган асбоб-ускуналар, техника, алоқа тизимлари ва воситалари, дастурий маҳсулотлар ва бошқа моддий-техник воситалар 2025 йилнинг 1 январига қадар божжона тўловларидан озод қилинсин (божжона расмийлаштируви йиғимлари бундан мустасно).

17. Ушбу қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси О.Б.Муродов, Ўзбекистон Республикаси Президентини ҳузуридаги Хавфсизлик кенгаши котиби В.В.Махмудов, Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари А.Ж.Раматов, Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги А.А.Азизов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти
Ш.МИРЗИЁЕВТошкент шаҳри,
2017 йил 23 майБМТ ХАЛҚАРО ҲАМЖАМИЯТНИ
ЎЗБЕКИСТОНДА ДАВЛАТ
ДАСТУРИНИНГ АМАЛГА
ОШИРИЛИШИ БИЛАН ТАНИШТИРДИ

(Давоми. Боши 1-бетда)

Шунингдек, ҳужжатда Ҳаракатлар стратегияси ҳамда "Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили" Давлат дастурини амалга ошириш мақсадида жамоат ҳамда давлат таққилотларининг ташаббуси бўйича Ўзбекистон Президентининг қарорига кўра, Тошкент шаҳрида Тараққиёт стратегияси маркази очилгани алоҳида айтиб ўтилган.

Тарқатилган маълумотда Давлат дастурига киритилган тадбирлар тўлиқ ўз вақтида ва сифатли бажарилишини ташкил этиш ҳамда назорат қилиш Ҳаракатлар стратегиясида назарда тутилган бешта йўналишни амалга ошириш бўйича ташкил этилган комиссия-

лар зиммасига юклатилганига эътибор қаратилади. Мазкур комиссияларга нафақат белгиланган тадбирларни бажариш, балки Ҳаракатлар стратегиясини амалга ошириш бўйича тегишли йиллик давлат дастурлари лойиҳаларини бевосита тайёрлаш вазифаси ҳам топширилгани айтилди.

Шу билан бирга, ҳужжатда Ҳаракатлар стратегиясини ҳаётга татбиқ этиш Ўзбекистоннинг мамлакатда ишловларни ривожлантириш ва уни модернизациялаш, ҳуқуқий демократик давлат барпо қилиш йўлидаги жадал ҳаракатига қучли туртки бўлиши алоҳида қайд этилди.

"Жаҳон" АА.
Нью-ЙоркМиллий матбуот марказида давлат ҳокимияти ва
бошқаруви органлари фаолиятининг очиклигини
таъминлашда оммавий ахборот воситалари олдида
турган долзарб вазифаларга бағишланган давра
сўхбати бўлиб ўтди.ОЧИҚЛИК ВА ОШКОРАЛИК –
ДАВР ТАЛАБИ

Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Ахборот ва коммуникация технологиялари масалалари қўмитаси ва Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги ҳамкорлигида ташкил этилган тадбирда давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари матбуот хизматлари вакиллари, оммавий ахборот воситалари раҳбарлари, профессор-ўқитувчилар, журналистлар, талабалар ва "Ёш журналистлар клуби" аъзолари иштирок этиди.

Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси раиси С.Ҳакимов, парламент қўйи палатасининг Ахборот ва коммуникация технологиялари масалалари қўмитаси аъзоси Р.Қушербоев ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиклигини таъминлаш, бунда оммавий ахборот воситалари фаолиятини ошириш муҳим аҳамият касб этишини таъкидлади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарорига асосан, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиклигини таъминлаш, бунда оммавий ахборот воситалари фаолиятини ошириш муҳим аҳамият касб этишини таъкидлади.

берилган. Унда мамлакатни модернизация қилишда парламент ва сиёсий партияларнинг ролини янада қучайтириш, давлат бошқаруви тизимини ислох қилиш, давлат хизматининг ташқилий-ҳуқуқий асосларини ривожлантириш, "Электрон ҳуқумат" тизимини тақомиллаштириш, давлат хизматлари сифати ва самарасини ошириш, фуқаролик жамияти институтлари ва оммавий ахборот воситаларининг ролини қучайтириш омилини кўрсатиб берилган. Тадбирда ана шу масалаларга алоҳида эътибор қаратилди.

Давра сўхбатида "Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиклигини таъминлашда ОАВнинг ролини оширишнинг ҳуқуқий асослари", "Ўзбекистонда давлат органлари фаолиятида АҚТни жорий қилиш ва ривожлантириш самарадорлигини рейтингли баҳолаш тизими ва унинг давлат органлари фаолияти очиклигини таъминлашдаги ўрни", "Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиклигини таъминлашда ОАВнинг фаолигини қучайтириш: долзарб мавзудаги танқидий-таҳлилий материаллар" каби мавзуларда маърузалар тингланди.

Давра сўхбатида "Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиклигини таъминлашда ОАВнинг фаолигини қучайтириш: долзарб мавзудаги танқидий-таҳлилий материаллар" каби мавзуларда маърузалар тингланди.

Н.ЗИЁДУЛЛАЕВА

Тошкент шаҳар ҳокимининг
ҚАРОРИТОШКЕНТ ШАҲРИ ҲУДУДИДА
НОҚОНУНИЙ САВДОЛАРНИ БАРТАРАФ
ЭТИШ, МАВСУМИЙ САВДО ВА УМУМИЙ
ОВҚАТЛАНИШ ТАРМОҒИ ОБЪЕКТЛАРИ
ФАОЛИЯТИНИ ТАРТИБГА СОЛИШ
ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

"Истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни ("Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами", 2008 йил, 14-15-сон, 90-модда), Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 13 февралдаги "Ўзбекистон Республикасида чакана савдо қонунчилигини ҳамда Ўзбекистон Республикасида умумий оқватланиш маҳсулотларини (хизматларини) ишлаб чиқариш ва сотиш қонунчилигини тасдиқлаш тўғрисида"ги 75-сонли ("Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами" 2003 йил, 3-сон, 27-модда), 2016 йил 13 июлдаги "Қўнча савдога рўқсат бериш тартиби тўғрисида"ги низоомни тасдиқлаш ҳақида"ги 233-сонли ("Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами", 2016 йил 18 июль, 28-сон, 339-модда) қарорларига мувофиқ, истеъмолчилар ҳуқуқлари ва манфаатларини ҳимоя қилинишини таъминлаш, ички истеъмол бозорига сифатсиз, ақоли ҳаёти ва соғлиғига хавф туғдирувчи товарлар сотилишига йўл қўймаслик устидан жамоатчилик назоратини қучайтириш, аҳолининг истеъмол товарларини харид қилишда ҳуқуқий маданиятини оширишга доир ишларни фаоллаштириш мақсадида,

ҚАРОР ҚИЛАМАН:

1. То



ТИЛ БИЛГАН – ЭЛ БИЛАДИ

Маълумки, она Ватанимиз истиқлолга эришгач, юртимизда маънан ва жисмонан баркамол авлодни вояга етказиш давлат сиёсати даражасига кўтарилди. Айниқса, бугунги кунга келиб, умумий ўрта таълим мактабларида хорижий тилларни ўқитишга катта эътибор қаратилмоқда.

Шайхонтохур туманидаги 169-умумий ўрта таълим мактабида хорижий тиллар фан оилиги ўтказилди. Мазкур тадбир ўқувчиларнинг бўш вақтларини тўғри ташкил қилиш ва уларда чет тилларига бўлган қизиқишни ошириш мақсадида уюштирилди.

— Авваламбор, ҳозирги замон хорижий тиллар ўқитувчиси тинмай ўз устида мустақил ишлаб, касбий салоҳияти ва маълумот даражасини ошириб бориши, фандаги барча янгилардан хабардор бўлиши ва самарали ўқитиш услубларини намойиш эта олиши лозим. Бу борада мактабимизда фаолият юритаётган Шахло Холиёрова, Дилдора Муротова, Зилола Раҳматова, Паричеҳра Эшонжоннова ва Дилдора Аҳмедова каби чет тили ўқитувчилари томонидан ҳар бир ўқувчи билан алоҳида иш олиб борилади. Чунки, биз педагоглар дарс жараёнида биринчи навбатда ўқувчиларга фанлардан чуккур ва мустақам билим бериш билан бирга, улардаги илм олиш, меҳнат қилиш каби туйғуларни тарбиялаб боришни кўзда тутамиз, — дейди 169-умумий ўрта таълим мактаби директори Гулноза Эргашева.

Дарҳақиқат, ҳозирги даврга келиб, фарзан-

дларимизни ўз билимига суянадиган ва мустақил ҳаётда ўрнини топа оладиган қилиб тарбиялашда мамлакатимиз таълим тизимида катта ютуқлар қўлга киритилаётгани аниқ ҳақиқат. Жумладан, мазкур таълим мактабининг хорижий тиллар метод бирлашмаси раиси Одина Тошхўжаева бошчилигида мактабда таҳсил олаётган Муҳаммад Али Илхомалиев, Ирода Ҳамидова, Иброҳим Йўлдошев, Азамат Аскарлов, Робияхон Исомхўжаева, Жасур Эркинхон каби ўқувчилар инглиз тили бўйича ўтказилаётган "Билимлар беклашуви" кўрик-танловлари ҳамда фан олимпиадаларининг туман, шаҳар ва Республика босқичларида совринли ўринларни олиб келаётганликлари таҳсинга сазовор.

Хулоса ўрнида айтиладиган бўлсак, ёш авлодни келгусида жаҳондаги ёшларга юксак салоҳият билан тенглаша оладиган баркамол қилиб ҳаётга тайёрлаш каби истиқболли вазифаларни амалга оширишимизда уларни илм-фан, технологиялар ва албатта, хорижий тилларга қизиқишларини орттириб бориш муҳим аҳамиятга эгадир.

Бахтиёр ЖўРАЕВ
К. Ўлмасов олган сурат

Қарор ва ижро

ОЛИЙ ТАЪЛИМ ТИЗИМИ ТАКОМИЛЛАШМОҚДА

Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университетида "Олий таълим тизимида кадрлар тайёрлаш соҳасидаги ислохотлар" мавзuida матбуот анжумани ташкил этилди.

Мамлакатимизда иқтисодиётнинг, ижтимоий ҳаётнинг реал талабларидан келиб чиққан ҳолда олий таълим тизимини модернизация қилиш, ўқитишнинг замонавий шакл ва технологияларини жорий этиш, мутахассислар тайёрлаш бўйича ихтисослик йўналишларини такомиллаштириш борасида кенг қўламли ишлар амалга оширилаётгани таъкидланди.

Олий таълим муассасаларида замонавий ўқув ва моддий-техник база яратилган. Ўқув жараёни замонавий техник воситалар, ахборот-коммуникация тизимлари ва дастурий маҳсулотлар билан таъминланган. Давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёев томонидан ишлаб чиқилган Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида ҳам мазкур ислохотларнинг изчил давом эттиришга доир аниқ ва устувор вазифалар белгиланган.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2017 йил 20 апрелдаги "Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Қарори мазмун-моҳиятини чуқур ўрганиш ва унда белгиланган вазифалар ижросини таъминлаш ҳамда соҳадаги ислохотларни янада чуқурлаштириш ва уни жаҳон стандартлари даражасида ривожлантиришнинг истиқболли йўналишлари ҳақида фикр юритилди.

Қарорда ҳар бир олий таълим муассасаси хориждаги етакчи турдош илмий-таълим муассасалари билан истиқболли ҳамкорлик алоқаларини яқиндан йўлга қўйиш, ўқув жараёнида халқаро таълим стандартларига асосланган энг замонавий педагогик технологиялар, таълим дастурлари ва ўқув-методик материалларни қўлаш, илмий-педагогик фаолиятга юқори малакали чет эл ўқитувчилари ва олимларини жалб этиш белгиланган.

Педагог кадрларнинг касб малакаси ва маҳоратини сифат жиҳатдан мунтазам ошириб бориш, педагог ва илмий ходимларнинг стажировкадан ўтишини йўлга қўйиш, олий таълим муассасалари биттирувчиларини PhD дастури ва хорижий магистратура дастурлари асосида ўқитиш назарда тутилмоқда. Олий таълим муассасаларининг илмий салоҳиятини мустаҳкамлаш, олий таълим тизимида илмий тадқиқотларни янада ривожлантириш, уларнинг академик илм-фан билан интеграциясини кучайтириш, профессор-ўқитувчилар таркибининг илмий фаолияти самарадорлигини ошириш, иқтидорли талаба-ёшларни илмий фаолиятга кенг жалб этиш масалаларига ҳам катта эътибор қаратилади.

— Олий таълим тизимида янги ихтисослик йўналишлари ва мутахассислар жорий этилиши мамлакатимиз ёшларининг таълим олишига бўлган ҳуқуқларини таъминлаш, уларнинг орзу-истакларини рўйбга чиқаришда муҳим омил бўлади, — дейди Тошкент давлат шарқшунослик институти ректори Абдурахим Маннонов. — Қарорда белгиланган вазифалардан келиб чиқиб, институтимизда 2018-2020 йилларда халқаро иқтисодиёт ва иқтисодий муносабатлар, халқаро туризм ҳамда халқаро журналистика каби янги таълим йўналишларини очиш режалаштирилмоқда. Бу борада барча ташкилий ва ҳуқуқий ишлар амалга оширилмоқда.

Н. НАСРИЕВ,
Ў.АС МУХБИРИ

РАФАТ ЮКСАК МАРРАЛАР САРИ ЧОРЛАЙДИ

Ёшлар ижод саройида умумий ўрта таълим мактаблари ҳамда академик лицей ва касб-ҳунар коллежлари сардорлари ўртасида "Йил сардори – 2017" кўрик-танловининг Тошкент шаҳар босқичи бўлиб ўтди.

"Қамолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати Тошкент шаҳар Кенгаши, Тошкент шаҳар "Қамалак" болалар ташкилоти ҳамда халқ таълими бошқармаси ҳамкорлигида ташкил этилган тадбирда 11 тумандан энг иқтидорли деб топилган "Қамалак" ва "Қамолот" сардорлари 4 та – "Мен – сардорман!", "Истеъдод", "Интеллектуал ринг", "Ташаббус" каби шартлар бўйича ўзаро беллашди.

Тадбирда сўз олган "Қамолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати Тошкент шаҳар Кенгаши раиси А.Жумабоев ва бошқалар мамлакатимизда ёшларнинг улкан зафарларини қўниши, катта марраларни эгаллаш учун барча шароит яратилганини таъкидлаб ўтти.

Кўрик-танлов Ҳаракатнинг умумий ўрта таълим мактаблар ва академик лицей ва коллежларда бошланғич таълимнинг фаолияти самарадорлигини ошириш, сардорларнинг ўзаро дўстлашуви, таърибга аламлинуви орқали уларнинг ижтимоий фаолиятини ошириш, сардорларни қўллаб-қувватлаш, уларда ёшлар билан ишлаш кўникмалари, иқидий ва интеллектуал қобилиятларини ривожлантириш, етакчилик ва ташаббускорлик қобилиятлари ҳамда эришган ютуқлари ва илғор иш таърибаларини оммалаштириш, энг фаол сардорларни рағбатлантириш мақсадида ўтказиб келинмоқда.

"Йил сардори – 2017" кўрик-танлови фойлиб ва савриндорлари "Қамолот" ЕИҲ Тошкент шаҳар Кенгаши томонидан диплом ва эсдалик совғалари билан тақдирландилар. Юқоридagi ҳар бир шартлар бўйича энг юқори баллини тўплаган сардорлар эса Республика босқичига йўллангани қўлга киритди.

Уйлашмики, ўқувчи-ёшларнинг иқидий, илмий қизиқишлари ва ташаббуслари қўллаб-қувватланиши, етакчилик ва ташаббускорлик кўникмалари, ижтимоий фаолиятининг янада ошиши юртимиз ёшлари ўртасида мустақам дўстлик алоқаларининг ўрнатилишига хизмат қилади. Бу эса юксак марралар сари қадам ташлашларига туртки бўлади.

(Ўз мухбиримиз)

Шавкат Муродиллаев (исм-шарифлар ўзгартирилган) эндигона 24 ёшга кирди. Шу чоққа қадар бир қатор жиноятларни содир этиб, қилмишига яраша жазо олди. У бундан тегишли хулоса чиқармади. Озодликка чиқиб ҳам яна жиноят содир этишда давом этди...

Масалан, 2016 йилнинг ёз ойларидан биринчи ташкил маҳал у таниши Сардор Латипов билан олдиндан жиноий тил бириктириб, қонун тили билан айтганда, ўзганинг мулкнинг талон-тарож қилиш мақсадида Миробод тумани Фитрат кўчасидаги "Миллий таомлар" кафеси яқинида йўл четида тўхтаб турган "Ласетти" русумли автомашинада ўтирган ҳайдовчи 1991 йили туғилган Лазизбек Ходжаевнинг олдига келишиб, унинг чап кўкрак соҳасига пичоқ тираб, зўрлик ишлатиш йўли билан кўрқитиб, автомашина салонига турган нархи 1.500.000 сўмлик "iPhone 5S" уяли телефон аппаратурини босқинчилик билан эгаллаб, воқеа жойидан яширинган.

Бундан ташқари Шавкат ўзининг жиноий ҳаракатларини давом эттириб, 2016 йил 3 август куни соат тўнги ўн икки яримларда жиноий ҳайдовчи 1997 йили туғилган Исмоил Халилов билан олдиндан тил бириктириб, маст ҳолатда, ўзганинг мол-мулкнинг талон-тарож қилиш мақсадида Юнусобод тумани 18-мавзёда жойлашган 3 ва 4 кўп қаватли уйлар ора-

ОИЛА МУСТАҲКАМЛИГИ – ЮРТ ТИНЧЛИГИ

Пойтахтимизда Тошкент шаҳар ҳокимлиги, шаҳар хотин-қизлар кўмитаси ҳамкорлигида Халқаро оила кўни муносабати билан "Инсон ва оила манфаати – жамият фаровонлиги" шиори остида маънавий-маърифий тадбирлар ўтказилиб, маҳалла, хотин-қизлар кўмиталарининг фаоллари, диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчилар, намунали оилаларнинг вакиллари таклиф этилди.

Ана шундай тадбирлардан бири Олмасор туманидаги 25-болалар мусика ва санъат мактабида "Инсон ва оила манфаати – жамият фаровонлиги" мавзuida маънавий-маърифий тадбир бўлиб ўтди.

Туман ҳокимлиги, туман хотин-қизлар кўмитаси, Маънавият тарғибот маркази, туман маданият бўлими, "Маҳалла" хайрия жамоат фонди туман бўлими томонидан ташкил этилган тадбирда тумандаги 58 та маҳаллаларда истиқомат қилувчи ибратли оилалар таклиф этилди.

Тадбирда сўз олган туман хотин-қизлар кўмитаси раиси Муҳаммад Расулова ва бошқалар Президентимиз раҳна-

молигида истиқлол шарофати билан оналик ва болаликни ҳимоя қилиш, оилаларда соғлом муҳитни кучайтириш, уларнинг иқтисодий ва маънавий асосларини мустаҳкамлаш каби масалалар борасида кенг қўламли ишлар изчиллик билан амалга оширилаётганини таъкидлаб ўтишди.

— Оила — ҳаёт абадийлиги ва авлодлар давомийлигини таъминловчи қадриятлар бешиги, келахак насллар учун бетақор тарбия масканидир, — дейди Маънавият тарғибот маркази туман бўлимида раҳбари Муаззам Алибаева. — Шу боис мамлакатимизда барча хайрли ишлар, эзгу амаллар, аввало, оилаларни мустаҳкамлаш, барка-

мол авлодни вояга етказиш ҳамда уларнинг ёруғ келажагини таъминлаш мақсадини рўйбга чиқармоқда. Зеро, оилада шаклланган соғлом муҳит фаровон турмуш, осуда ҳаёт тарзининг мустақам пойдеворидир.

Йиғилганларга кўтаринки кайфият бағишланган тадбирда хотин-қизлар, оилалар билан самарали иш олиб бораётган фаол аёллар, ибратли оилаларга совғалар ва фажрий ёрликлар топширилди. Туман маданият бўлими хонандалари, Тошкент маданият коллежи ўқувчилари, 25-болалар мусика ва санъат мактабининг бадий жамоалари иштирокида концерт намойиш этилди.

Шайхонтохур туманидаги 2-Республика тиббиёт коллежида ўтказилган ана шундай тадбирда мамлакатимизда оилаларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, ёшларимизни миллий анъаналаримизга ҳурмат ва эътиром руҳида тарбиялаш, оилалар тинчлиги ва фаровонлигини оширишга қаратилаётган юксак эътибор давлатимиз тараққиётини юксалтиришда муҳим омил бўлаётгани алоҳида эътироф этилди.

Туман ҳокимлиги, туман хотин-қизлар кўмитаси билан ҳамкорлигида ташкил этилган тадбирда маҳаллаларда истиқомат қилаётган намунали оилалар иштирок этди. Тадбирда сўз олган намунали оила вакиллари фарзандлар тарбиясига эътибор қаратиш, уларнинг шахс бўлиб шаклланишида миллий урф-одат ва қадриятларимизни ёшлар онгига сингдириш ота-оналарнинг бурчи эканлигини унутмаслик лозимлигини алоҳида таъкидлаб, бой ҳаётий

тажрибалари билан ўртоқлашдилар.

Мазкур коллеж ва 20-умумтаълим мактаб ўқувчилари ҳамда 184-мактабга таълим муассасаси тарбияланувчилари томонидан шеърлар ўқилди, рақслар ижро этилди. Шунингдек, қизқарли савол-жавоблар ўтказилиб, намунали оила вакиллари ташаккурнома ва эсдалик совғалари топширилди.

Зарина РУСТАМОВА

Шавкат Муродиллаевга Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг бир қатор моддаларини қўллаб, узил-кесил ўташ учун 8 йил 6 ой озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланди. Жазони қаттиқ тартибли колонияларда ўташ белгиланди.

Шу ўринда беҳирий ўйга толсан: Шавкат Муродиллаев бу жиноятларидан олдин ҳам 2008 йил, 2011 йил, 2014 йиллари жиноят содир қилган. Дастлабки жиноятни содир этган пайтда у 15 ёшда бўлган. 2014 йили яна ўйирлик жиноятини содир қилиб 5 йилга озодликдан маҳрум қилинган. 2016 йил 11 январда Тошкент вилояти жиноят ишлари бўйича Бўка тумани судининг ажримига кўра, жазонинг ўталмай қолган қисми ахлоқ тузатиш ишларига алмаштирилган эди. Вояга етмай туриб, жиноятчи давам тамгани олган боланинг қилмишидан лўшаймон бўлмагани, яна ушбу қилмишини давом эттириб, гулдай умрини хазон қилгани жуда ачинарли. Ахир у ҳам тенгдошлари қатори эзгу орзунилар билан яшаса бўлардику. Афсус... Бунда ота-она, маҳалла-қўй, қолаверса барчаннинг, биз катталарнинг ҳам айбимиз бор, албатта.

Зоҳиджон МИРМАМУДОВ,
Тошкент шаҳар прокуратураси бўлим бошлиғи

ЭЛЕКТР ХЎЖАЛИГИНИ ТАРТИБГА СОЛИШ ТАМОЙИЛЛАРИ

Ҳамиша долзарб масала бўлган электр хўжаликларини тартибга солиш мақсадида мунтазам равишда "Ўздавэнергозорат" инспекцияси Тошкент шаҳар бўлими ходимлари томонидан назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштирувчи Республика Кенгаши қарори асосида Тошкент шаҳридаги тадбиркорлик субъектлари фаолиятида режали текширишлар ўтказилмоқда.

Режали текширишлар давомида тадбиркорлик субъектларида электр хўжалиги учун жавобгар шахс мавжуд эмаслиги ёки мавжуд бўлган тақдирда ҳам жавобгар шахс "Истеъмолчилар электр ўсқуналари эксплуатация қилиш қоидалари ва истеъмолчиларнинг электр қурилмаларини эксплуатация қилишда хавфсизлик техникаси қоидалари" асосида билим синовидан ўтмаганлиги аниқланмоқда.

Айтиш лозимки, ҳозирги кунда бутун жаҳонда ёқилғи-энергетика ресурсларини тежаш, электр энергиясидан оқилона ва самарали фойдаланиш, кам харажат эвазига кўп маҳсулот ишлаб чиқариш долзарб масалалардан ҳисобланади. Шундай экан, мамлакатимиздаги йирик ишлаб чиқариш ва унга тенглаштирилган корхоналарда юқоридаги вазифаларни бажариш учун билимли ва малакали мутахассислар зарур. Сунгги уч ой давомида режали текширишлар натижасида хўжалик юритувчи субъектлар томонидан электр энергиясидан нооқилона фойдаланиш ҳолатлари, электр қурилмаларни белгиланган қоидалар талабларига жавоб бермайдиган қонкурсиз техник ҳолатлар аниқланган, ушбу электр қурилмалар электр тармоқларидан узиб қўйилди. Шу ҳолатларнинг олдини олиш мақсадида ҳар бир корхонада "Истеъмолчилар электр қурилмаларини техник эксплуатация қилиш қоидалари"нинг 11-банди талабига асосан корхонада электр хўжалик бўйича жавобгар шахс тайинланиши лозим. Қоида талабларида электр хўжалиги бўйича жавобгар шахснинг асосий вазифалари – электр ва иссиқлик энергиясини иқтисод қилиш, корхонада мавжуд қурилмаларни янги замонавий технологияга мос ўсқуналар билан алмаштириш ишларида қатнашиш, ноанъанавий энергия манбаларидан фойдаланиш, шунингдек, электр ва иссиқлик энергияси захираларини аниқлаш бўйича тадбирлар тузиш, маҳсулот билригига сарф бўладиган электр ва иссиқлик энергиясини солиштирма меъёрларини ишлаб чиқишда қатнашиш, электр ва иссиқлик энергияси истеъмоли ҳисоботларини тайёрлаш ҳамда электр қурилмаларни белгиланган қоидаларнинг талабларига жавоб берадиган техник ҳолатда сақлаб туришдан иборатдир.

Юқоридагиларга кўра, тадбиркорлик субъектлари раҳбарлари ўз корхоналарида электр хўжалиги бўйича малакали жавобгар шахс тайинланиши лозимлигини кўрсатиб ўтганимиз. Бу билан хўжалик юритувчи субъектларда юзгага келиши мумкин бўлган бахтсиз ҳодиса, авария ва ёнғин ҳолатларининг олди олинад.

Шорахим ШОАХМЕДОВ,
"Ўздавэнергозорат" инспекцияси
Тошкент шаҳар бўлими инспектори

КОРРУПЦИЯНИНГ ОЛДИНИ ОЛИШГА ҚАРАТИЛДИ

Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика кўмитасида кўмитанинг коррупцияга қарши курашиш бўйича қабул қилинган чора-тадбирларида белгиланган вазифалар ижросини таъминлашга бағишланган кенгайтирилган семинар йиғилиши бўлиб ўтди.

Семинарда тизим раҳбар ва ходимларини мансаб ваколатларини суиистеъмол қилишга йўл қўймаслик, уларга норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг мазмунини ва аҳамиятини етказиб бориш, уларнинг ўз касбига нисбатан масъулият ҳиссини ошириш, юклатилган вазифа ва мажбуриятларни бажаришда ҳалоллик, ҳолислик, беғаразлик тамойилларига риоя қилиш, ҳар қандай қўрунмишдаги сансалорлик, ўзибўларчилик, лоқайдлик ва бошқа салбий ҳолатларга қатъий чек қўйиш ва уларнинг олдини олиш бўйича тушунтириш ишларини доимий равишда ўтказиб бориш юзасидан зарур тавсиялар берилди.

Шу билан бирга, тизим органларининг нодавлат ноҳижорат ташкилотлари, фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари билан ижтимоий шериклик самарадорлигини ошириш, аҳоли ва тадбиркорлик субъектлари вакиллари иштирокида соҳага оид янгиликлар, электрон шаклдаги статистик ҳисоботларни тўлдириш қоидалари, афзалликлари ва тақдим этиш тартиби тўғрисида тушунтириш ишларини ташкил этиш, тизим органлари расмий веб-сайтларининг ўзликсиз фаолиятини таъминлаш ҳамда улардаги маълумотларни мунтазам янгитлаб ва тўлдириб борилишини таъминлаш, давлат статистика органлари фаолиятининг очикилигини ёритиб беришчи маълумотларни кенг жамоатчиликка етказиш бўйича амалга оширилиши лозим бўлган масалалар атрофида муҳокама этилди.

Шунингдек, семинарда тадбиркорлик субъектлари фаолиятини қўллаб-қувватлаш борасида қабул қилинган меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар талабларини фаолият кўрсатаётган ҳамда янги ташкил топган тадбиркорлик субъектларида тушунтириш ишларини олиб бориш бўйича тизимли кўрсатмалар берилди.

Йиғилишда барча даражадаги давлат статистика органларида мазкур йўналишларда ишларни янада кучайтириш ва бу борада олиб борилаётган ишлар юзасидан тизимли назорат ўрнатиш бўйича тегишли вазифалар белгиланган.

Мазкур тадбирда Давлат статистика кўмитаси марказий аппарати, Кадрларни қайта тайёрлаш ва статистика тадқиқотлари маркази, ҳудудий статистика бошқармалари, шаҳар ва туман статистика бўлимларининг масъул раҳбар ва ходимлари иштирок эттишди.

Ш.ДЖАНИМОВ,
Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика кўмитаси бўлим бошлиғи



ҲАР БИР БОЛА МЕҲР ВА ЭЪТИБОРДА

Пойтахтимиздаги "City Palace" меҳмонхонасида имконияти чекланган болаларнинг "Мўъжизалар даври" деб номланган 16-хайрия кўргазмаси бўлиб ўтди.

Маъмур тадбир Ўзбекистон ногиронлар жамиятининг Тошкент шаҳар бўлими, "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати Тошкент шаҳар Кенгаши ва "Мўъжизалар даври" ташаббускор гуруҳлари ҳамкорлигида ташкил этилди.

Тадбирда болалар ўзларининг ижодлари орқали дунёга эзгулик ва ёруғлик келтиришга қаратилган ва қалб меҳри билан йўғрилган ишларини тақдим қилишди. Хайрия кўргазмасида имконияти чекланган болалар учун ихтисослаштирилган мактаб ўқувчилари ҳамда Меҳрибонлик уйи тарбияланувчилари тайёрлаган ўй-рўзгор ашёлари, расмлар, зардўзлик, каш-тадўзлик буюмлари, юмшоқ ўйинчоқлар, қўлолчилик ва бошқа махсусотлар намойиш этилди.

Маъмур кўргазма ҳар йили анъанавий тарзда ўтказилиб келинмоқда. Уни ўтказишдан кўзланган мақсад ўғил-қизларнинг ижодий ташаббусларини қўллаб-қувватлаш, уларга меҳр-муруват кўрсатиш, ижодий ишларини рағбатлантириш, келажакка бўлган ишончини мустаҳкамлашдан иборат.

Бу болалар ҳаётдан тўлақонли завқланишга имкон бермайдиган турли хил чекловлар билан дунёга келишди. Аммо бу уларга атрофда содир бўлаётган, ҳатто биз сезмайдиган ижобий ҳаётларни излаш ва топишга ҳалал бермайди. Ижодлари орқали улар ўзларининг атроф-муҳитни қандай идрок этаётганларини ифода қилишди. Кўргазмага ташриф буюрган меҳмонлар дунёни шу болалар нигоҳи билан кўриш

имкониятига эга бўлдилар. Маъмур бўлган буюмни харид қилар экансиз, унга ёш муаллиф қалбининг бир парчаси ва қўл тафти қўшилганига амин бўласиз.

Кўргазма давомидида болалар учун санъаткорларнинг чиқишлари, турли эртақ қаҳрамонлари иштирокидаги сахна кўринишлари болажонларга олам-олам қувонч улашди. Шунингдек, болаларнинг ўзлари иштирокидаги қизиқарли шоу-дастурлар тақдим этилди. Тадбирда болаларга совғалар тарқатилди.

Хайрия кўргазмасидан йиғилган барча маблағлар иштирокчи-ташқилотларга болаларнинг ижодий қобилиятини ривожлантиришга қаратилган фаолиятни олиб бориш учун берилади.

Зиёда РАСУЛОВА

Кўргазмалар

КАНДАКОРЛИКДА НАҚШЛАР МЎЪЖИЗАСИ

Ўзбекистон Республикаси маданият вазирлиги ҳамда "Хунарманд" уюшмаси усталари билан ҳамкорликда Ўзбекистон Амалий санъат музейида "Халқаро музейлар куни"га бағишлаб "Кандакорликда нақшлар мўъжизаси" номли кўргазма ташкил этилди.

Кўргазма экспозициясидан 100 га яқин кундалик турмушда ишлатилган мис кандакорлик ўй-рўзгор буюмлари ва XX аср замонавий заргарлик намуналари ҳамда заргар Наиль Раҳмонов ва унинг шогирдлари ишлаган зеби-гардон, секунжа тумор, зирак, биллазуқ, олма зирак, сочпопук, гижжак ва шунга ўхшаган аёлларнинг бежирим тақинчоқлари ўрин олган.

Халқ санъатининг ниҳоятда ривож топган ва бизнинг давримизга ўз аҳамиятини сақлаб қолган, ҳозирги замон усталарининг ижодида асосий ўрин эгаллаётган турларидан бири – бу қадим замонлардан бўён бой анъаналарга эга бўлган заргарлик санъатидир, – дейди Ўзбекистон Амалий санъат музейи директори Зухра Холиқова. – Усталар асосан қумуш ва тилла буюмлар ясаган, асл металлни ёқут, зумрад, сапфир, фефуза, ақик, марварид ва садаф каби қимматбаҳо тошлар билан безашган.

Кўргазмада Бухоро кандакори Раҳматулло Фатхуллоев, Тошкент кандакори Бобур Мадалиев ва замонавий заргарлар ҳам ўз асарлари билан иштирок этмоқда. Уста

Р.Фатхуллоевнинг ўзига хос услуби – портрет гравюраси бўлиб, қадимий меъморий обидаларнинг кандакорлигини юксак макомга олиб чиққан. У 1984 йил Германия, 1999 йил Франция ва бошқа халқаро кўргазмаларнинг доимий иштирокчиси ҳамдир. 1999 йил Бухоро шаҳрида "Уста ва шогирд" кандакорлик мактабини ташкил этган ва ҳозирда ўнлаб шогирдларга тахсил бериб келмоқда. Устанинг ишлари шахсий коллекциялари Мексика, Япония музейларидан ўрин олган. Б.Мадалиев эса кандакорлар сулоласининг давомчиси сифатида Марғилон кандакорлик санъатини қайта тиклаш ва ривожлантириш устида изланишлар олиб бориб, ўзига хос йўналишда ижод қилмоқда. Уста ёш бўлишига қарамадан Республика миқёсида ўтказилиб келинаётган турли кўргазматанловларда ижодий ишлари билан фаол қатнашиб келмоқда.

Кўргазма доирасида саҳналаштирилган муслиқий чиқишлар ва Республика рассомлик коллежи дизайнерларининг миллий либослар намойиши ҳам ўрин олган.

Кўргазма 26 майга қадар давом этади.

Зафар НАЗАРОВ

"101"

ГАЗДАН ТЎҒРИ ҲОЙДАЛАНИНГ!

Кундалик турмушда газнинг ўрни бекиёс, бироқ ундан фойдаланишнинг ҳам қонун-қоидалари бор. Уларга доимо амал қилинсагина ҳаётимиз беҳавотир, тинч, осуда кечади.

Биз шу оддий, аммо аҳамияти катта бўлган йўл-йўриқлардан доимо огоҳ бўлмоғимиз даркор. Зеро, олов билан ҳамнафас ҳаётимиз биздан ҳамиша хушёр бўлишни талаб этади. Агар бепарволикдан халос бўлсак, "тилсиз ёв" ҳамласига дуч келмаймиз. Ота-оналарнинг бепарволиги туфайли болалар қўлга тушиб қолган гугурт ёқилиши натижасида ёнғинлар келиб чиқиши ачинарли.

Газ манбаини туман газ таъминоти ходимлари томонидан назоратдан ўтказиш, шу билан бирга уй эгаларини газ ускуналаридан фойдаланишда хавфсизлик қоидаларига тўлиқ риоя этган ҳолда ишлатиш ва аниқланган камчиликларни зудлик билан бартараф этиш ҳар биримизнинг вазифамиздир.

Даврон ФАЙЗИЕВ,
Миробод тумани ИИБ ЁХБ инспектори, кичик сержант

Жойлардаги табиий оқар сувлар исроф қилинишининг олдини олиш, мавжуд сув ҳовузлирини тўлдирилган ҳолда асраш ва уларнинг ёнғинга қарши техник ҳолатини яхшилашга оид тадбирларни амалга ошириш маҳаллий идора ва ташкилотлар олдида турган муҳим вазифалардан.

Ўтган давр мобайнида Яшнобод тумани ҳудудига ёнғинга қарши сув таъминотини яхшилашга эътибор қўйиб боришмоқда. Масалан, 8-ХЕХО 4-ХЕХХ ҳудудига 352 та ёнғин ўчириш ери ости гидранти ва 35 та сув ҳовузи мавжуд бўлиб, тумандаги тегишли ташкилотлар билан ҳамкорликда уларнинг ёнғинга қарши техник ҳолати ўрганиб чиқилди. Шу билан бирга уларга ёнғин ўчириш автомобилларининг бориш йўллари, ёнғинга қарши ери ости гидрантларнинг носоғлари соғ холатга келтирилишига алоҳида эътибор қаратилди. Шунингдек, сувсиз жойларда сув ҳовузлирини барпо этиш, ободонлаштириш бошқармалари билан биргаликда сувсиз ҳудудларда юз бериши мумкин бўлган ёнғинларга сув ташувчи автомобилларни жалб этиш юзасидан икки томонлама келишув асосида ҳамкорлик режалари ишлаб чиқилди.

Амалга оширилаётган ишларнинг ягона мақсади "тилсиз ёв"нинг олдини олишдан иборат.

Сарвар ҚОДИРОВ,
Яшнобод тумани ИИБ ЁХБ 8-ХЕХО 4-ХЕХХ смена бошлиғи, катта лейтенант

Маҳаллаларда, таълим муассасаларида ҳамда одамлар гавжуд жойларда ёнғин оғатларининг мудҳиш оқибатлари ҳақида суҳбатлар, учрашувлар ташкил этилмоқдаки, фуқаролар ҳар қадамда ёнғин – "ёв" эканлигини ҳис этиб, эҳтиёткор бўлсинлар, ёнғин хавфсизлиги қоидаларига риоя этишни унутмасинлар.

Ёнғин оқибатида инсонлар умри ҳазон бўлмаслиги ёки уларнинг бир умрга ногирон бўлиб қолмасликлари учун оловдан фақат ёнғин хавфсизлиги қоидаларига амал қилган ҳолда фойдаланишлари зарур. Шундангина оилаларимиз хотиржам ва беҳавотир бўлиб, ёнғин оқибатида қўнғилсиз воқеалар олди олинади.

Аззам ХУСАНОВ,
Миробод тумани ИИБ ЁХБ инспектори, сержант


Қад ростлаётган бино ва иншоотлар кундан кун чирой очиб бораётган гўзал пойтахтимизнинг кўрқига кўрк қўшиб келмоқда.

Қурилиш, ободонлаштириш ишларини шахримизнинг ҳар бир гўшасида кузатамиз. Қурилиш меъёр талабларининг бузилиши қўнғилсиз ҳодисалар, асқар ҳолларда инсонлар ҳаётига жиддий хавф туғдириши мумкин.

Шу ўринда қўйидаги қоидаларни эслатиб ўтишни жоиз деб топдик. Қурилиш майдонларини доимо ёнғин чикинди-лардан тозалаш муҳимлигини унутманг. Қўйида электр иситиш асқарларидан фойдаланмаслик, ҳудудда очик олов ёқилиши, кислород-газ баллонлар, бўёқлар, карбид, тез ёнувчи ёғоч материалларининг бирга сақланишига йўл қўймаслик талабларига риоя қилиш орқали қурилишлардаги ёнғинлар ва қўнғилсиз вазиятларнинг олдини олиш мумкин.

Нафақат қурилишлар, балки ҳаётимизнинг барча жабҳаларида ёнғин хавфсизлиги қоидаларига риоя қилишда масъулиятимизни оширайлик. Бу билан ўз ҳаётимиз, давлатимиз ҳамда шахсий мулкимизни ёнғин оғатидан асраган бўламиз.

Жанибек САЛИМБАЕВ,
Бектемир тумани ИИБ ЁХБ инспектори, сержант



ЎЗГИДРОМЕТ
ХАБАР ҚИЛАДИ

Тошкент шаҳрида 25 май кунини ҳаво ўзгариб туради, ёнғинларчилик бўлмайди. Шарқдан секундида 3-8 метр тезликда шамол эсади. Ҳарорат кечаси — 18-20, кундузи —

33-35 даража иссиқ бўлади. Ўзгидрометнинг мониторинг хизмати маълумотида кура, 25 майда Тошкент шаҳрининг об-ҳаво шароити шаҳар ҳаво муҳитида зарарли моддаларнинг бир оз тарқалиб кетишига имконият яратди, ифлосланиш даражаси паст бўлади.

Реклама ва эълонлар

ҲУРМАТЛИ ТАДБИРКОРЛАР ВА ИШБИЛАРМОНЛАР!

Хусусийлаштирилган корхоналарга кўмаклашиш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси Тошкент шаҳар ҳудудий бошқармаси томонидан 2017 йил 26 июнда ўтказилган тадбирдан-тўғри музокараларни олиб бориш йўли (оммавий оферта) билан сотиладиган давлат активларини сотиб олишга таклиф этади.

Давлат активларини сотиб олиш шартлари қуйидагича:
- энг юқори сотиб олиш баҳосини таклиф этиш;
- ушбу давлат активлари учун энг қамиди қуйидаги жадвалда иловаларида келтирилган миқдорда инвестиция киритиш мажбуриятларини олиш;
- янги иш ўринлари ташкил этиш;
- сотиб олиш тўлови ва инвестиция мажбуриятларини қисқа муддатларда амалга ошириш.

Савдоларга қатнашиш учун тақдим этиладиган ҳужжатлар:
- сотувчининг банк ҳисоб рақамига объектнинг бошланғич нархидан 15 фоиздан кам бўлмаган закалат суммаси;
- таклифлар (бизнес-режалар) ва керакли ҳужжатлар солинган ҳамда елимлаб ёпиш-

тирилган, имзо билан тасдиқланиб, муҳрланган конвертлар, икки нусхада.
Савдо қилишга бошқарманинг буйруғи қабул қилинган санадан бошлаб йигирма кун муддат ичида олди-сотиш шартномасини имзолаш шартли юклатилади.
Савдоларда иштирок этиш учун талабгорлардан аризаларни қабул қилиш оферта савдоси бошланишига 1 иш куни аввал соат 16.00да тўхтатилади.
Музокаралар 2017 йил 26 июнь кунини соат 16.00да Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Амир Темури шох кўчаси, 16 "А"-уй манзилида ўтказилади. Ушбу кун савдолар бўлмаган тақдирда, 2017 йил 11, 26 июль, 10, 25 август, ҳамда 11 сентябрь кўнлари соат 16.00 да Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Амир Темури шох кўчаси, 16 "А"-уй манзилида ўтказилади.
Мурожаат учун телефонлар: 233-35-08, 233-22-83.

Оммавий оферта савдоларига чиқарилаётган давлат активлари рўйхати

№	Объект номи	Жойлашган манзили	Балансда сакловчи ташкилот	Бошланғич баҳоси (сўм)	Инвестиция мажбурияти (сўм)	Инвестиция киритиш муддатлари
1	Умумий майдони 23603 кв.метрга тенг бўлган "Савдо ва хизмат кўрсатиш мулкрий мажмуаси"	Тошкент шаҳри, Учтепа тумани, Уйғур кўчаси, 487-уйда жойлашган	"Ўрикзор савдо комплекси" МЧЖ	62 073 944 456,0	-энг юқори сотиб олиш баҳосини таклиф этиш; - қўшимча инвестиция мажбуриятини олиш; - янги иш ўринларини ташкил этиш; - харид қиймати ва қўшимча инвестиция киритишни қисқа муддатларда амалга ошириш	
2	Умумий майдони 22728 кв.метрга тенг бўлган "Савдо ва хизмат кўрсатиш мулкрий мажмуаси"	Тошкент шаҳри, Учтепа тумани, Тошкент автомобиль ҳалқа йўли кўчасида жойлашган	"Ўрикзор савдо комплекси" МЧЖ	42 762 493 610,0		

ҲУРМАТЛИ ТАДБИРКОРЛАР ВА ИШБИЛАРМОНЛАР!

Ўзбекистон Республикаси Давлат рақобат қўмитаси Тошкент шаҳар бошқармаси томонидан 2017 йил 4 апрелдан 19 майгача бўлиб ўтган тадбирдан-тўғри музокаралар олиб бориш йўли (оммавий оферта) билан савдоларда сотилган давлат активлари савдоларининг натижалари рўйхати

№	Объект номи	Бино ва иншоотлар майдони (кв.м.)	Объект манзили	Балансда сакловчи	ПҚ/ВМҚ	Савдога чиқарилган нархи (сўмда)	Сотилиш нархи (сўмда)	Харидорга юклатилган инвестиция мажбурияти (сўмда)
1	Собиқ 196-сонли мактабгача таълим муассасасининг бино ва иншоотлари	1 522,00	Тошкент шаҳри, М.Улуғбек тумани, Олтинтепа кўчаси, 230-уй	Тошкент шаҳар М.Улуғбек туман ҳокимияти	31.05.2012 № 154	3 444 573,65	3 600 000,00	3 030 000,00
2	Илмий ишлаб чиқариш лабораторияси бино ва иншоотлари	6 303,00	Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек тумани, Дўрмон йўли (Ф.Ҳоджаев) кўчаси, 25-уй	Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси	28.04.2015 № 2340	6 169 416,24	5 560 000,00	1 900 000,00
3	Бино ва иншоотлар	3 669,00	Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек тумани, Дўрмон йўли (Ф.Ҳоджаев) кўчаси, 25а-уй	Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси	28.04.2015 № 2340	3 367 093,75	3 035 000,00	1 200 000,00
4	Собиқ 105-сонли мактабгача таълим муассасасининг бино ва иншоотлари	1 018,00	Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, Чинобод кўчаси, 8-уй	Тошкент шаҳар Юнусобод туман ҳокимияти	31.05.2012 № 154	1 237 298,64	1 240 000 ,00	1 100 000,00

Мурожаат учун манзил: Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Амир Темури шох кўчаси, 16-"А" уй. Телефонлар: 233-35-08, 233-74-72.

Тошкент оқшоми

Манзилимиз: 100029, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР:
Эълолар: (0-371) 233-28-95.
Факс: (0-371) 233-29-55

2007 йил 19 январда Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бошқармасида 02-1-рақам билан рўйхатга олинган

Нашрни етказиб бериш масалалари бунича турар жоилардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почта»га — 233-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.

Газета тахририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

МУАССИС: ТОШКЕНТ ШАҲАР
ҲОКИМЛИГИ



Бизнинг электрон манзил:
gazeta-vto@mail.uz

Душанба, сешанба, чоршанба,
пайшанба ва жума кунлари чиқади
Нашр кўрсаткичи — 563

Ҳажми — 2 босма табоқ, офсет усулида босилади.
9488 нусхада босилди.
Қоғоз бичими А-2

Нашр учун масъул
О. Ҳазратов

«Шарқ» наشريёт-матбаа акциядорлик
компанияси босмахонаси. Корхона
манзили: Буюк Тўрон кўчаси, 41-уй

Баш муҳаррир
Акmal AKROMOV

Тошпириш вақти: 13.00

Босишга тошпирилди: 13.20